

ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ОБЪЕКТИ ҲИСОБЛАНГАН МОДДИЙ НЕЪМАТЛАРНИ ТАСНИФЛАШ (КЛАССИФИКАЦИЯЛАШ)

Алишер Хомидович БОРОТОВ

Ўқитувчи

Фарғона давлат университети

Фарғона, Ўзбекистон

fardu.alisher@mail.ru

Аннотация

Мақолада фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар объектларининг ўзига хос хусусиятлари таҳлилга тортилган. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг объекти ҳисобланган моддий неъматларни таснифлаш амалга оширилган. Хусусан, ашёларнинг классификацияси ўрганилган. Уларнинг фуқаролик муомласидаги ўзига хос жиҳатлари қиёсий-ҳуқуқий тадқиқ этилиб, яқунда муайян ҳулосаларга келинган.

Таянч сўзлар: фуқаролик-ҳуқуқий муносабат объекти, субъекти ва мазмуни, Фуқаролик кодекси, хусусий мулк, ашё, ишлар ва хизматлар, қимматли қоғоз.

КЛАССИФИКАЦИЯ МАТЕРИАЛЬНЫХ БЛАГ, ЯВЛЯЮЩИХСЯ ОБЪЕКТОМ ГРАЖДАНСКО-ПРАВОВЫХ ОТНОШЕНИЙ

Алишер Хомидович БОРОТОВ

Преподаватель

Ферганский государственный университет

Фергана, Узбекистан

Аннотация

В статье анализируются особенности объектов гражданско-правовых отношений. Проведена классификация материальных благ, являющихся объектом гражданско-правовых отношений. В частности, исследована классификация объектов. Произведен сравнительный анализ их особенностей гражданско-правовых отношений, что позволило сделать определенные выводы.

Ключевые слова: объект, предмет и содержание гражданско-правовых отношений, Гражданский кодекс, частная собственность, вещи, работы и услуги, ценные бумаги.

Инсон ҳаётининг салмоқли қисмини фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар ташкил этади. Қаердаки, мулк бор ва унга нисбатан шартномавий муносабатда бўлинар экан, бу – фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг ўзидир. Унда бошқа ҳуқуқ соҳаларида учрамайдиган тенглик, шартнома тузиш эркинлиги, мулк даҳлсизлиги, ўзгаларнинг хусусий ишларига аралашмаслик каби фундаментал

тамойиллар мавжудки, бу билан ҳуқуқ субъектлари (фуқаролар, юридик шахслар ва давлат)нинг ҳуқуқий тенглигини ҳам ифодалайди.

Ўтган 2017-2021 йилларда амалга оширилган Ҳаракатлар стратегияси [2] даврида тўпланган тажриба шуни кўрсатдики, эндиликда ҳуқуқий муносабатларнинг кўлами сифат, мазмунан ва шаклан ўзгармоқда. Бугунги рақобат дунёси, инвестициявий жозибadorлик эндиликда фалсафанинг ўша машҳур категорияси – микдор кўрсаткичлари ўз ўрнини – сифат кўрсаткичларига бўшатиб беришини талаб этмоқда [4;97]. Хусусий мулк устуворлигини асосий тамойил сифатида белгилаш, шу жумладан давлат идорасининг расмий маълумотига ишониб мол-мулк сотиб олган шахснинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш тизимини жорий этиш 13-мақсад сифатида нормаланган “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси” [3]дан келиб чиқиб, илм-фан олдида, хусусан, цивилистика олдида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг объекти ҳисобланган моддий неъматларни таснифлаш, уларнинг хос хусусиятларини аниқлаш, муомалада бўлиш хусусиятларини тадқиқ қилиш вазифаси турибди.

Фанга маълум қоидаларга таянадиган бўлсак, аввало, ушбу муносабатлар ҳам бошқа ҳуқуқий муносабатларда бўлгани каби объект, субъект ва муносабат мазмунидан иборат [8;56] эканини таъкидлаймиз.

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари – фуқаролар (жисмоний шахслар), юридик шахслар ва давлат иштироки уларнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати билан белгиланади. Шундан келиб чиқиб, улар ўз хатти-ҳаракатларини амалга оширадилар.

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг объекти ўзининг хусусиятларига кўра, эркин суратда бошқа шахсларга берилиши ёки универсал ҳуқуқий ворислик (мерос қилиб олиш, юридик шахсни қайта ташкил этиш) тартибида ёхуд бошқа усул билан, агар улар муомаладан чиқарилмаган ёки уларнинг муомалада бўлиши чеклаб қўйилмаган бўлса, бир шахсдан иккинчи шахсга ўтиши мумкин. *Эркин муомаладаги объектлар* – озиқ-овқатлар, кийим-кечаклар каби. *Иккинчи – муомаладан чиқарилган объектлар*. Масалан, ер, ер

ости бойликлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси кабилар. Учинчи – муомалада бўлиши чекланган объектлар. Ушбу тоифа муайян муомала иштирокчиларигагина қарашли бўла оладиган ёки муомалада бўлишига махсус рухсатнома билан йўл қўйиладиган фуқаролик ҳуқуқлари объектларидир. Масалан, айрим турдаги фармацевтик маҳсулотлар, ов милтиғи кабилар. Умуман, фуқаролик ҳуқуқи объектларининг ҳуқуқий режими турли қонунлар билан тартибга солинади.

Дарҳақиқат, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг объектларига бағишланган қоидалар мажмуаси фуқаролик ҳуқуқининг асосий институтларидан ҳисобланади. Ушбу муносабатлар нимага нисбатан қаратилган бўлса, улар объект ҳисобланади. Бундай объектларнинг турлари ҳар хил ва жуда ҳам кўп, хусусиятларига қараб, уларни эгаллаш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш, шунингдек химоя қилиш бўйича қонунда турли қоидалар ўрнатилган [10;3].

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар мазмунини муносабат тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ташкил этади. У бир сўз билан айтганда, юридик фактлардан вужудга келади. Кенг маънода Фуқаролик кодекси (ФК)нинг 8-моддасида назарда тутилган қуйидаги асослардан вужудга келади:

1) қонунда назарда тутилган шартномалар ва бошқа битимлардан, шунингдек гарчи қонунда назарда тутилган бўлмаса-да, лекин унга зид бўлмаган шартномалар ва бошқа битимлардан;

2) қонунда фуқаролик ҳуқуқ ва бурчлари вужудга келишининг асоси сифатида назарда тутилган давлат органларининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳужжатларидан;

3) суднинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаган қароридан;

4) қонун йўл қўядиган асосларда мол-мулк олиш натижасида;

5) фан, адабиёт, санъат асарларини яратиш, ихтиролар ва бошқа интеллектуал фаолият натижасида;

6) бошқа шахсга зарар етказиш натижасида;

- 7) асоссиз бойиб кетиш натижасида;
- 8) фуқаролар ва юридик шахсларнинг бошқа ҳаракатлари натижасида;
- 9) қонунчилик фуқаролик-ҳуқуқий оқибатларнинг келиб чиқиши билан боғлайдиган ҳодисалар натижасида [1]. Ушбу юридик фактларнинг ҳар бири ўз мазмун-моҳияти, хос хусусиятлари билан бир-биридан ажралиб туради.

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар элементлари орасида объектлар алоҳида аҳамиятга эга. Айниқса, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг объекти ҳисобланган моддий неъматларни таснифлаш (классификациялаш) амалий аҳамиятга эга. Ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиётида бу яққол сезилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленумининг “Мулк ижараси шартномасига оид фуқаролик қонун ҳужжатлари нормаларини иқтисодий судлар томонидан қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 2011 йил 1 декабрдаги 234-сон Қарори 3-бандида берилган тушунтиришга кўра, “ФК 537-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, ушбу моддада қайд этилган ижара объектларидан ташқари, бошқа истеъмол қилинмайдиган ашёлар ҳам ижара объекти бўлиши мумкин. Кўп маротаба фойдаланишга мўлжалланган бўлиб, бунда ўзининг дастлабки кўринишини узоқ вақт давомида сақлаб қолувчи ва аста-секин яроқсиз ҳолга келувчи ашёлар истеъмол қилинмайдиган ашёлар деб тан олинади (маиший техника, мебель ва бошқалар)” [15].

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг объекти ҳисобланган моддий неъматларни таснифлаш борасида Д.Чиниев фикрича “ижтимоий ноқулайликлар кўйидаги ҳолатларда белгиланиши мумкин: 1) хусусий манфаатлар йўлида, хусусан, қўшничилик ҳуқуқида, яъни мулкдор қўшнининг ўз ер участкасидан фойдаланишда салбий таъсирини унга нисбатан ҳеч қандай мулкый зарар келтирмаса ҳам чидаш мажбур; 2) сервитутни белгилаш орқали мулкдорнинг мол-мулкидан қўшниси чекланган ҳолда фойдаланишга йўл қўйишга мажбур, яъни ўзини чеклаш. Ушбу тўсиқларни бартараф этиш йўлда мулкдор негатор даъво аризасини бериш орқали ушбу тўсиқларни йўқ қилишни амалга ошириши мумкин; 3) шахс, жамият ва давлат, атрофдагиларнинг ҳаёти, соғлиғи ва бошқалар манфаати йўлида. Мулк

хуқуқий муносабатлар субъектлари, шунингдек фуқаролик муомалада чекланиши мумкин бўлган моддий дунёнинг объектлари [14;46].

Ўз даврида мазкур масалада фикр юритган Ҳ.Раҳмонқулов [11;13] шу соҳадаги муаллифлар билан баҳс-мунозарага киришар экан, шуни қайд этадики, баъзи муаллифларнинг фикрича, фуқаролик ҳуқуқи билан тартибга солинадиган мулкрий муносабатларни моддий, ишлаб чиқариш ва иқтисодий муносабатлардан фарқлаш керак, сўнгги муносабатлар объектив характерга эга, шундай экан ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинмайди [5;25]. Маълумки, ишлаб чиқариш, моддий, иқтисодий ва мулкрий муносабатлар тушунчаси ишлаб чиқариш, тақсимлаш, алмашиш, моддий неъматларни истеъмол қилиш жараёнида вужудга келадиган муайян ижтимоий муносабатларнинг хусусиятларини ҳар хил томондан акс эттиради. Фуқаролик ҳуқуқи предмети таркибига кирадиган мулкрий муносабатларнинг алоҳида белгиси сифатида бундай муносабатларнинг қиймат характерига эга эканлиги билан изоҳлайдилар [6:9-11]. Фуқаролик ҳуқуқи предмети ташкил қилувчи муносабатлар унинг иштирокчиларининг алоҳида мол-мулки бўлиши, ҳақ эвазига амалга оширилиши, уларнинг иштирокчиларининг тенг ҳуқуқли бўлиши билан тавсифланади [7;27].

Табиатнинг ҳар қандай объектлари эмас, балки одамзот фаолиятининг объекти ва унинг эҳтиёжларини таъминлаш учун зарур бўлган табиий ресурслар, бойликлар моддий неъматлар сифатида қонун билан тан олинади ва шундай экан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг объекти ҳисобланади. Моддий неъматларнинг хусусияти уларнинг табиий эмас, балки ижтимоий характерга эга бўлишидан иборат. Моддий неъмат иқтисодий нуқтаи назардан товар, яъни истеъмол қиймати ва қиймат хусусиятига эга. Бундай моддий неъматлар ўз хусусиятига кўра фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг объекти ҳисобланади [10;7].

Мамлакатимизда хусусий мулкчиликнинг жорий қилиниши ва унинг объекти турли хил мол-мулклардан иборат бўлиши мумкинлиги ҳисобга

олинган ҳолда, ФКда ашёлар фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг объекти сифатида икки – кўчмас ва кўчар турларига бўлинди.

Бозор муносабатлари шароитида фуқаролик ҳуқуқи объектлари доираси кенгайди. Масалан, объект сифатида хусусий мулк, қимматли қоғозлар кенг муомалага кириб келди, интеллектуал мулкнинг янгидан-янги объектлари (интеграл микросхемалар топологиялари, ноу-хаулар) вужудга келди, ишлар ва хизматлар доираси кенгайди, тижорат сири мустаҳкамланди [13;99].

Фуқаролик муомаласидан чиқарилмаган ашёлар доираси ниҳоятда кенг бўлиб, булар жумласига хилма-хил буюмлар киради.

Истеъмол қилинадиган ва истеъмол қилинмайдиган ашёлар (ФКнинг 89-моддаси): истеъмол қилинадиган ашёлар бир қарра фойдаланиш натижасида бутунлай йўққа чиқадиган ёки жиддий равишда ўзгарадиган нарсалар (масалан, озиқ-овқат, хом-ашё кабилар)дир. Истеъмол қилинмайдиган ашёлар бирмунча узоқ вақт давомида ўзининг сифатини сақлайдиган нарсалар (масалан, бинолар, ускуналар, транспорт воситалари кабилар)дир.

Бундай ашёлар одатда қайта-қайта фойдаланишга мўлжалланган бўлади. Қайта қайта фойдаланиш давомида истеъмол қилинмайдиган ашёларнинг емирилиши ҳам аста-секин кечади. Истеъмол қилинмайдиган ашёлар жумласига: бинолар, ускуналар, транспорт воситалари ва ҳ.к.лар киради.

Хусусий ва турга хос аломатлар билан белгиланадиган ашёлар. Хусусий аломатлари билан белгиланадиган ашёлар алоҳида, фақат ўзларигагина хос белгилари, ноёб, яъни ўзига хос, ёлғиз сифатлари бўлган ашёлар ҳисобланади. Ўзининг белгилари билан бошқа ўхшаш ашёлардан ажралиб турадиган нарсалар, масалан, маълум кўчадаги, маълум сонли уй-жой хусусий аломатлари билан белгиланадиган ашё бўла олади.

Хусусий аломатлари билан белгиланадиган ашёлар жумласига ноёб, яъни ўзи бир дона бўлган ашёлар ҳам киради. Масалан, жаҳон биринчилигида чемпион бўлган от, кўҳинур олмоси ва шу кабилар. Хусусий аломатлари билан белгиланадиган ашёлар бошқа ашёлардан муайян усулда белги қўйиш ёки муҳр босиш, рақам қўйиш билан фарқланади.

Шу ўринда пулнинг қайси турдаги ашёга мансублиги хусусидаги масалага эътибор қаратиш зарур. Зеро, кўпчилик ҳолатларда пулнинг хусусий аломатлари билан белгиланадиган ашёми ёки турга хос аломатлари билан белгиланадиган ашёми деган савол туғилади.

Бир томондан қараганда, пулларда муайян белги ва рақам қўйилгани учун уни хусусий аломатлари билан белгиланадиган ашё дейиш мумкин. Иккинчи томондан қараганда, пуллар бир турга хос, яъни уларнинг барчаси битта вазифани – тўлов эквиваленти вазифасини бажаради.

Пулнинг ашёларнинг қайси турига (хусусий ёки турга хос аломатлари билан белгиланадиган ашёларга) мансублиги масаласига жавоб ФКнинг 87-моддаси иккинчи қисмида ифодаланган. Ушбу нормага мувофиқ, хусусий аломатлари билан белгиланган ашёлар бошқаси билан алмаштириб бўлмайдиган ашёлардир. Пулларни эса бошқаси билан алмаштириш мумкин (масалан, йирик пулни майда пулга ва аксинча).

Турга хос аломатлари билан белгиланадиган ашёлар, сон, ўлчов ва оғирлик билан кўрсатиладиган нарсалар ҳисобланади. Масалан, 100 дона шифер, 100 метр чит, 100 тонна пахта ва ҳ.к. Турга хос аломатлари билан белгиланадиган ашёлар бошқаси билан алмаштирса бўладиган ашёлардир. Шунинг учун ҳам бундай ашёларга нисбатан *persona non grata*нинг (яъни, тур нобуд бўлмайти) қоидаси қўлланилади. Фуқаролик ҳуқуқида ашёларнинг хусусий ва турга хос аломатлари билан белгиланадиган ашёларга бўлиниши қатъий аҳамиятга эга. Айниқса, мажбуриятларни ижро этишда, бурчни натура ҳолида бажарилишида бундай бўлинишнинг ўрни беқиёс.

Бўлинадиган ва бўлинмайдиган ашёлар. Бўлиш натижасида ҳар қайси қисми бутуннинг хоссаларини ўзида сақлаб қоладиган ва шу билан бирга ўзининг хўжалик (мақсадли) аҳамиятини йўқотмайдиган ашё бўлинадиган ашё ҳисобланади. Масалан, бир қоп ун, бир қоп картошка, бир бидон пахта ёғи каби.

Бўлинмайдиган ашёлар бўлиш натижасида қисмлари дастлабки ашё (бутун)нинг хоссаларини йўқотадиган, унинг хўжалик (мақсадли) аҳамиятини

ўзгартирадиган ашё бўлинмайдиган ашё ҳисобланади (ФКнинг 88-моддаси).
Бўлинмайдиган ашёларга шкаф, стол, телевизор ва шу кабилар киради.

Фуқаролик ҳуқуқида ашёларнинг асосий ва мансуб ашёларга бўлиниши ҳам (ФКнинг 90-моддаси) ҳуқуқий аҳамиятга эгадир. Мансуб ашё деб асосий ашёга хизмат қилишга тайинланган ва умумий хўжалик мақсади жиҳатидан у билан боғлиқ бўлган нарсаларга айтилади. Масалан, асосий ашё қулф бўлса, унга мансуб ашё калитдир.

Мансуб ашё, агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб белгилаб қўйилмаган бўлса, асосий ашёнинг тақдирига боғлиқ бўлади. Бинобарин, асосий ашё тўғрисидаги шартлар мансуб ашёга ҳам доирдир. Масалан, бировнинг эгалигига ёки вақтинча фойдаланишига асосий ашё ўтса, мансуб ашё ҳам у билан бирга ўтади. Аммо қонун ёки шартномада бошқача ҳоллар ҳам белгиланиши мумкин, яъни асосий ашё бировга ўтказилганда мансуб ашёнинг қолдирилиши тўғрисида алоҳида келишув ҳам бўлиши мумкин.

Мансуб ашёдан унинг таркибий қисмини ажратиш керак. Ашёдан уни зарарлантирмай ва қийматини жиддий равишда туширмай ажратилиши мумкин бўлмаган ҳар нарса ашёнинг таркибий қисми ҳисобланади. Агар, масалан, велосипеднинг насоси мансуб ашё бўлса, автомашинанинг радиатори ашёнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Мураккаб ашёлар. Агар турли хил ашёлар бирикманинг моҳияти билан белгиланадиган вазифаси бўйича фойдаланиш имконини берадиган яхлит бир бутунни ташкил этса, улар битта ашё (мураккаб ашё) ҳисобланади. Мураккаб ашё хусусида тузилган битим, агар шартномада бошқача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, унинг таркибий қисмларига тааллуқли бўлади (ФКнинг 91-моддаси).

Баъзи ашёлар ҳосил ва даромад берадиган ашёлар бўлиши ва шу туфайли бу ҳосил ва даромадлардан фойдаланиш, уларни тасарруф этиш тўғрисидаги ишни ҳал этиш масаласи қўйилиши мумкин. Ашёнинг ҳосил ва даромадлари тўғрисида Фуқаролик кодексининг баъзи моддаларида кўрсатма берилади. Жумладан, ФКнинг 230-моддасида мулкни бировларнинг қонунсиз

эгаллашидан талаб қилиб олишда даромад ва ҳаражатларнинг тўланиши айтилади.

Ашёдан келадиган ҳосил ва даромадлар, агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб белгилаб қўйилган бўлса, ашё эгасига тегишлидир (ФКнинг 92-моддаси).

Шу ўринда фуқаролар хусусий мулк ҳуқуқининг объекти сифатида – қимматли қоғозлар ҳақида ҳам сўз юритишни маъқул деб топдик. Мустақиллик ва бозор иқтисодиёти натижасида қимматли қоғозларга нисбатан давлат монополиясининг барҳам топиши, иқтисодиётга товар-пул алмашинуви ва товар муомаласи учун хусусий мулк ривожини ва хусусий мулкдорлар синфини яратиш учун қўшимча аҳамиятга эга бўлди.

Айниқса, қимматли қоғозларга нисбатан давлат монополиясининг барҳам топиши, иқтисодиётда товар-пул алмашинуви ва товар муомаласи учун хусусий мулк товарни ва хусусий мулкдорлар синфини яратиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Қимматли қоғозларнинг тарихий шаклланиши анча узоқ жараённи бошидан кечирган ва улар антик Римда вужудга келган. Қадимги Римда қўлланилган қимматли қоғозлар такомиллашиб, ҳозирги кўриниш касб этади.

Илк қимматли қоғозлар жуда оддий бўлиб, уларда куйидаги саволлар ва жавоблар кўриниш акс этган: ваъда берасанми? Ваъда бераман, пул берасанми? Бераман. Ана шундай савол-жавоблар кўринишидаги ҳужжатлар – қимматли қоғозлар ҳуқуқий муносабатга киришувчи ҳар иккала томонга ҳам мажбурият юклаши билан характерланган.

Даставвал, ҳозирги оғзаки келишув шаклидаги қимматли қоғозлар, император Юстинианус даврига келиб ёзма шаклда тузила бошланди. Натижада ашёга, пулга бўлган ҳақ (ҳуқуқ ва талаб) қоғоз билан уйғунлашди ва бир вақтнинг ўзида ашёга бўлган ҳуқуқ ва қоғозга бўлган ҳуқуқ бирлашиб, умумий қоғозга нисбатан ҳуқуқ юзага келди. Шу тариқа ҳақ-ҳуқуқлар бирлашиб, улар асосида мана шундай – талаб қоғози пайдо бўлди.

XII асрга келиб, ҳақ-ҳуқуқларини ўзида ифодаловчи қоғоз турли хилдаги белги ва мажбурий ёзувларга эга бўлди. Бу эса қоғозларни аниқ ҳақ-ҳуқуқни ўзида намоён қилиб турувчи тимсолга айлантирди [9;32]. Бундай қоғозлар кейинчалик кўрсатилган тўланиши шарт бўлган қимматли қоғозлар турининг келиб чиқишига асос бўлган.

Ўша пайтлардаги қимматли қоғоз ўз эгасига берадиган ҳуқуқлар доираси жуда кўп бўлганлиги туфайли, қимматли қоғозлар секин-аста қўлдан қўлга ўта бошлади ва кейинчалик уларнинг бир шахсдан иккинчисига ўтиш жуда осон амалга ошарди.

Ўрта асрларга келиб кўпгина давлатлар (Англия, Германия, Франция) харажатларини қоплаш учун кўчмас мулк ўрнига хазина мажбуриятлари ва облигациялар чиқара бошладилар.

Фақатгина XVII асрга келиб, қимматли қоғозларнинг орқа томонидан имзо қўйишиб, бошқа кишига берилиши одат тусига кирди. Қимматли қоғозларга имзо қўйилиши қимматли қоғоз эгаларини осон алмашишига ва қимматли қоғозларнинг муомалада қўлланилишини тезлатишга сабаб бўлди. Шунингдек, имзоларнинг пайдо бўлиши натижасида қимматли қоғозлар тўлов ва кредит бериш воситаси бўлиб хизмат қила бошлади. XVII асрга келиб ҳиссали қимматли қоғоз – акция пайдо бўлган. XIX асрдан бошлаб қимматли қоғозлар ўзгариб, шаклланиб ва иқтисодий ҳаётда кенг қўлланиладиган ҳолатга ўтган.

Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларида қатнашувчи шахсларнинг субъектив ҳуқуқлари ва мажбуриятлари нимага қаратилган бўлса, ушбу нарсалар фуқаролик ҳуқуқи объекти ҳисобланади.

Бошқача қилиб айтганда, жисмоний ва мулкчилик шаклидан қатъий назар, юридик шахслар фойдаланиши ва тасарруф этишини амалга ошира оладиган, эркин суръатда олиш, сотиш ҳуқуқи ва одоб-ахлоқ, меъёрлари билан чекланмаган ҳар қандай моддий нарсалар ва номоддий қийматликлар, қадриятлар бойлик ҳисобланиб, фуқаролик ҳуқуқининг объекти ҳисобланади.

Олдинги Фуқаролик кодексида фуқаролик ҳуқуқи объектларига фақат 5-модда бағишланган бўлиб, улардан иккита бошланғич моддалар (40–41-моддалар)да кўрсатилган нарсалар ва буюмлар “фақат алоҳида рухсатлар билан олиниши” ёки “белгиланган тартиб ва доиралардагина олди-сотди буюми бўлишлиги” ҳақидаги қоидалар назарда тутилган эди [12;221].

Фуқаролик ҳуқуқий ҳужжатларида моддий ва номоддий неъматлар бўйича ҳуқуқий муносабатларни вужудга келиши асослари аниқ кўрсатилмаган эди. Объектлар фақат дарсликларда атрофлича талқин қилинар эди. Янги Кодексида объектларни ҳуқуқий тартибга солишга йигирмата модда ажратилди. Бу фуқароларга, юридик шахсларга мулкнинг турли шакллари асосида тадбиркорлик билан шуғулланиш учун кенг шароит ва тенг ҳуқуқ берилганлигидан далолат беради.

Қимматли қоғоз Х.Р.Раҳмонқуловнинг таъбирича, моддий неъмат сифатида ўзига хос табиий хусусиятлари, аломатлари билан фуқаролар ва хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида мулкий муносабатларга нисбатан турли қоидаларни қўллашга сабаб бўлади.

Фуқаролик кодексининг 96-моддасига мувофиқ, қимматли қоғозлар бошқа шахсга берилиши билан улар томонидан тасдиқланадиган ҳамма ҳуқуқлар ҳам ўша шахсга ўтади.

Фуқаролик ҳуқуқининг объекти сифатида қимматли қоғозлар қуйидаги хусусиятларга эга:

1. Ю.Назаровнинг фикрича, қимматли қоғоз (ҳужжат) мулкий характерга эга, яъни қимматли қоғоз ўз матнида қандайдир мулк ҳуқуқини ифодалайди. Лекин қимматли қоғозларнинг барчаси ўз матнида фақатгина мулкий ҳуқуқларни ифода этмайди, масалан, акция фақатгина мулкий ҳуқуқларни ўзида акс эттириб қолмасдан, ўзида номулкий ҳуқуқни – яъни, ташкилотни бошқаришда овоз бериш ҳуқуқини ҳам ўзида мужассамлаштиради [9;33]. Ушбу фикрга қўшилган ҳолда, шуни таъкидлаш лозимки, қимматли қоғозда ифодаланган номулкий ҳуқуқлар ҳам, худди мулкий ҳуқуқлар каби бир шахсдан иккинчи шахсга ўтиши мумкин.

2. Қимматли қоғозда фақатгина ҳуқуқ ифодаланадиган ҳужжат матнининг аниқлиги ва тушунарли эканлиги унда ифодаланган ҳуқуқ билан ҳамоҳанг бўлиши шарт. Бундан ташқари, қоғозда фақатгина ҳуқуқ мужассамлашиши лозим бўлиб, ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг мавжуд бўлиши, шартномавий муносабатлар юзага келишига ҳамда қоғознинг қимматли (бирор бир мулкӣ қийматга эгаллиги) хусусиятига барҳам беришга ва уни бор йўғи тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятини ифодаловчи битимга айлантирарди.

3. Қоғоз ва унда мужассамлашган ҳуқуқ узвий боғлиқ бўлиб, қимматли қоғоз эгаси, қоғознинг субъекти ҳисобланади ва қоғоз бўйича ҳақни талаб қила олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Узвий боғлиқлик, қоғоз эгасининг қоғозда қайд этилган субъектдан мулкӣ ҳуқуқларни талаб қилиб олиши мумкинлигини таъминлай олиши билан изоҳланади. Ҳуқуқ қимматли қоғозни тақдим эмас талаб қилишнинг мумкин бўлмаганидек, қимматли қоғоз тақдим этилганда қарздорнинг талабни бажаришидан бош тортиши ҳам мумкин эмас. Қоғозда ифода этилган ҳуқуқ унинг қанчалик қийматга эгаллигини билдирса, қоғоз ана шу ҳуқуқни ҳақиқатдан ҳам мавжудлигини тасдиқлайди.

4. Қимматли қоғоз юридик ҳужжатларнинг бир тури ҳисобланади ва у керакли реквизит (шарт)ларга тобе бўлмоғи шарт, яъни у керакли, шартли белгиларга эга бўлиши зарур. Қонун талабларида ифода этилган реквизитлар (ёзувларнинг) мавжуд бўлмаслиги қоғознинг қимматли қоғоз эмаслигини билдиради.

Фуқаролик-ҳуқуқӣ муносабатларнинг объекти ҳисобланган моддий неъматлар, хусусан, хусусий мол-мулк ўзининг ҳуқуқӣ табиати, фуқаролик муомаласи (обороти)даги иштирокига кўра, қуйидагича таснифланади:

- эркин муомаладаги объектлар;
- муомаладан чиқарилган объектлар;
- муомалада бўлиши чекланган объектлар.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (8-модда) // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова. URL.: <https://lex.uz/acts/111189>.

2. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 феврал ПФ–4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда. URL: <https://lex.uz/uz/docs/3107036#3109146>.

3. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январь ПФ–60-сон Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 йил, 06/22/60/0082-сон. URL: <https://lex.uz/uz/docs/5841063>.

4. Баратов М.Х., Овулов П.И. Янги Ўзбекистон шароитида давлатнинг фуқаролик ҳуқуқи субъектлари тизимида тутган ўрни: воқелик ва истикболлар // UZA (Пm-fan (electron jurnal), 2022 йил апрель. – Б.96-106.

5. Братусь С.Н. Предмет и система советского гражданского права. – Москва: Юридическая литература, 1963. – 263 с.

6. Гражданское право. Часть 1. Учебник. //Под ред. Ю.К.Толстого, А.П.Сергеева. – Москва: ТЕКС, 1996. – 536 с.

7. Гражданское право. Том 1. Учебник. //Отв. ред. проф. Е.А.Суханов. – Москва: БЕК, 1998. – 498 с.

8. Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. –Тошкент: ТДЮИ, 2009. – 396 б.

9. Назаров Ю. Ўзбекистон Республикасида қимматли қоғозлар тўғрисидаги қонунчилик // Хўжалик ва ҳуқуқ, 1996. – №6. – Б.22-27.

10. Раҳмонкулов Ҳ. Фуқаролик ҳуқуқи объектлари. – Тошкент: ТДЮИ, 2009. – 138 б.

11. Раҳмонкулов Ҳ.Р. Фуқаролик ҳуқуқининг предмети, методи ва тамойиллари. – Тошкент: ТДЮИ, 2003. – 40 б.

12. Раҳмонкулов Х. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. – Тошкент: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1997. – 398 б.
13. Фуқаролик ҳуқуқи. Дарслик. I қисм. – Тошкент: ТДЮУ, 2017. – 312 б.
14. Чиниев Д.А. Гражданско-правовые аспекты осуществления и защиты права собственности: Автореферат докторской (DSc) диссертации по юридическим наукам. – Ташкент: ТГЮУ, 2019. – 74 с.
15. URL.: <https://lex.uz/docs/2004613>.